

Эй Мусо!

15:05 / 28.04.2017 2477

Халифа Маъмун Тоҳир ибн Абдуллоҳга ғазаб қилди. Тоҳир “Энди халифа мени тўғримда қандай йўл тутаркин” деб ўйланиб қолди. Шунда тўсатдан бир дўстидан мактуб олди. Унда “Ассалому алайкум” деган жумла бор эди холос. Мактубнинг четига эса кичкина қилиб: “Эй Мусо!” деб ёзилган эди. Тоҳир бунинг нима эканини ўйлай бошлади, аммо барибир маъносига тушунмади. Унинг ақлли, заковатли бир жорияси бор эди. Ўша жория: “Хожам, дўстингиз “Эй, Мусо! Зодагонлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар” (Қасос, 20) демоқчи” деди. Унинг гапидан кейин Тоҳир халифанинг қўлидан қутулиб, омон қолди.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси